ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI

FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ИШОНЧ

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси газетаси

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

СЕШАНБА, ПАЙШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

10 ноябрь, сешанба 1998 йил №130(631)

## Ушбу сонда:

2
БИР ФАРМОН ШАРОФАТИ

3
ҲАР БИР ОДАМ — ЎЗИЧА ОЛАМ

4
ДУРДОНАНИНГ БОҒЧАСИ ЁПИЛМАЙДИ

# Самарқанд вилоят Кенгаши сессияси





**9 ноябрь куни Самарқандда халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари, республика вазирлик, қўмита, уюшма ва идоралари раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари қатнашди.**

Сессияда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари кейинги йилларда вилоятда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва тарихий обидаларни тиклаш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш борасида бир қатор ижобий ўзгаришларга эришилганини, айниқса пахтачилик ва ғаллачиликда муайян муваффақиятлар қўлга киритилганини таъкидлади.

Шу билан бирга, эришилган ютуқлардан боши айланиб қолган айрим раҳбарларнинг хатти-ҳаракатлари вилоят аҳолиси ўртасида ҳаққоний эътирозларга сабаб бўлди. Маҳаллий раҳбарлар орасида қариндош-уруғчилик, ошна-оғайнигарчилик каби иллатлар авж олди.

Йўлбошчимиз янги замон, янги турмушимизга ёт бўлган бундай иллатларнинг туб илдизи адолат торозиси бузилганлигида эканини таъкидлади. Улардан фориғ бўлиш учун барчамиз мамлакатимизнинг буюк келажаги йўлида, эл-юрт ғамида ёниб яшашимиз лозим, деди Президент.

Сессияда ташкилий масала кўриб чиқилди. Алишер Мардиев ўз аризасига биноан вилоят ҳокими вазифасидан озод этилди. Депутатлар Президент Ислом Каримов тавсиясига биноан Тошкент вилояти ҳокими вазифасида ишлаб келаётган Эркин Рўзиевни Самарқанд вилояти ҳокими этиб тасдиқладилар.

Сессияда Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т.Алимов, Н.Жўраев, У.Худойқулов, Бош вазир ўринбосарлари Б.Ҳамидов, Б.Олимжонов, М.Усмонов, В.Чжен, Президентнинг матбуот котиби А.Зиёев иштирок этди.

**Беҳзод УСМОН,**
**Ҳамза ШУКУРОВ,**
**ЎзА мухбирлари.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

## ФАРМОНИ

**Э.М.Рўзиевни Самарқанд вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93 /12 банди/ ва 102 моддаларига мувофиқ Эркин Маҳмудович Рўзиев Самарқанд вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1998 йил 9 ноябрь

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

## ФАРМОНИ

**А.М.Мардиевни Самарқанд вилоятининг ҳокими вазифасидан озод этиш тўғрисида**

Алишер Мардиевич Мардиев ўз аризасига биноан Самарқанд вилоятининг ҳокими вазифасидан озод этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1998 йил 9 ноябрь

# ОЛАМДА НИМА ГАП?

**А Л - Қ У В А Й Т.** БМТ Хавфсизлик Кенгаши Ироққа нисбатан иқтисодий жазо чораларини бекор қилмас экан, мамлакат ҳукумати бу ердаги оммавий қирғин қуролларини йўқ қилиш бўйича БМТ махсус комиссияси билан ҳамкорликни бошламайди. Ироқ Бош вазирининг ўринбосари Тариқ Азиз шундай баёнот берди.

«Биз тутган йўл қатъийдир, БМТ Хавфсизлик Кенгаши 687 рақамли резолюциясини бажаришга киришмас экан, биз қароримизни ўзгартирмаймиз», деб таъкидлади Т.Азиз. Мазкур резолюцияда Ироқ қуролсизланиш бўйича халқаро ҳамжамиятнинг барча талабларини бажарса, унга нисбатан қўлланилаётган иқтисодий жазо чораларининг бекор қилиниши кўзда тутилган.

* * *

**М Е Х И К О.** Мексикада «Митч» довулидан зарар кўрган Марказий Америка мамлакатларига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш учун аҳолидан маблағ йиғиш бўйича умуммиллий тадбир бошланди. Шу муносабат билан мамлакат президенти Эрнесто Седило фуқароларни Марказий Америка мамлакатлари билан бирдамликка чақирди.

«Митч» довулидан, айниқса Гондурас, Никарагуа, Салвадор ва Гватемала катта зарар кўрган. Қийин дамларда Мексика мазкур мамлакатлардан бир неча бор инсонпарварлик ёрдами олган эди. Энди навбат - мексикаликларники, дейилади Президентнинг халққа мурожаатида.

Расмий маълумотларга қараганда, табиий офат оқибатида мазкур минтақада 11,5 минг киши нобуд бўлган, 19 мингдан ортиқ киши бедарак йўқолган. Қарийб уч миллион киши бошпанасиз қолган.

* * *

**Д Е Ҳ Л И.** Ҳиндистоннинг Кисан Нагар шаҳридаги беш қаватли бинонинг қулаши 18 кишининг ўлимига сабаб бўлди. Яна шунча киши касалхонага ётқизилди.

Маълумотларга қараганда, фожеага бинонинг нобоп жойга қурилгани сабаб бўлган. Айни пайтда қутқарувчилар вайрона остидан 14 кишининг жасадини олиб чиқди, тахминларга кўра яна тўрт киши хароба остида қолган. Уларнинг аксариятини аёллар ва болалар ташкил этади.

* * *

**П Е К И Н.** Хитой ҳуқуқ-тартибот хизмати ходимлари мамлакат пойтахтида аҳолидан бир неча юз миллион юанни товламачилик йўли билан ўзлаштирган жиноий гуруҳни қўлга олди. Гуруҳ бошлиғи 41 ёшли тайванлик Ни Вэнлян эканлиги аниқланди.

Товламачилар «Сиода» брокерлик фирмасини сотиб олган ва катта фоиз эвазига пекинликларнинг маблағини жалб эта бошлаган. Улар шундай йўл билан 500 миллион юан / 62 миллион АҚШ долларига тенг/ йиғиб олган. Жиноятчилар бу маблағнинг муайян қисмини хорижга олиб чиқиб кетишга ҳам улгурган.

/ЎзА/

# ОҚҚАН ДАРЁ— БАРИБИР ОҚАДИ

Қадим Хитой нақлларидан бирида «Ўтмишдан кўзини узмаган одамгина келажакка ета олади», дейилади. Юртимизда кейинги вақтларда содир бўлган оламшумул воқеалар - Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллик, Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллик таваллуд тўйлари ва ниҳоят ЮНЕСКО Ижроия Кенгашининг куни кеча ўтказилган 155-сессияси якуний йиғилиши мазкур нақл нафақат якка шахсларга, балки бутун мамлакатларга ҳам тааллуқли эканлигини кўрсатмоқда.

Юртбошимиз Ислом Каримов мазкур анжуманда сўзлаган нутқида «Мен маданият ва маърифат дунёни жаҳолат ва ваҳшийликдан, диний ва миллий экстремизмдан, этник қарама- қаршилик, минтақавий можаро ва урушлардан сақлай олишига ишонаман... Кириб келаётган XX1 асрда дунёни маданият ва маънавият қутқаради, деб айтган бўлардим», дея алоҳида таъкидлади.

Бу сўзларда ўтмишдан кўзини узмаган ҳолда келажак сари дадил одимлаётган Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсати негизи, тамал тоши мужассам эканлигини англаш қийин эмас. Зотан, миллатнинг қадрини тиклаб, қаддини кўтармасдан туриб, уни келажак сари бошлаб бўлмайди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ишларнинг ҳаммаси шундан далолат бериб турибди. Буюк муҳаддис Имом ал-Бухорий, қомусий аллома Аҳмад ал-Фарғоний таваллуд тўйларининг умумхалқ байрамига айланиб кетгани эса танланган йўлнинг тўғри эканлигини кўрсатди. Ўзининг буюк тарихига ошно бўлиш баробарида, жаҳон миллатлари сафида ўрни қандай эканига яна бир бор амин бўлган халқимиз ЮНЕСКО анжумани пайтида бундай ҳуқуқимизни дунёнинг бошқа халқлари ҳам тан олаётганининг гувоҳи бўлди. Зотан, донишмандликда ҳеч кимдан қолишмайдиган халқимиз «Оққан дарё барибир оқади», деб бежиз нақл қилмаган.

Дунёдаги энг нуфузли халқаро ташкилотлардан бири бўлган ЮНЕСКО анжуманининг Ўзбекистонда ўтказилиши шунчаки бир ҳодиса эмас. Бундай тадбир ЮНЕСКО учун ҳам ноодатий ҳолдир. Ўзининг эллик йиллик фаолияти давомида дунёда тинчликни сақлаш учун фан, маданият ва таълим соҳасида ҳамкорликни шиор қилиб олган халқаро ташкилот бу билан Ўзбекистонга нисбатан ўз ҳурмат-эътиборини амалда намоён қилди. XX1 асрда тинчликни асраш маданиятининг йўлларини ишлаб чиқиш мақсадида йиғилган анжуман иштирокчилари жаҳон маданиятининг бешикларидан бири бўлган Ўзбекистондаги бу йиғилиш амалий аҳамиятидан ташқари, рамзий маъно ҳам касб этишини қайта-қайта таъкидладилар.

Анжуманга йиғилган жаҳон фани ва маданиятининг атоқли намояндалари, таниқли жамоат ва сиёсат арбоблари «Тошкент декларацияси»ни қабул қилдилар. Унда келгуси минг йиллик арафасидаги тинчликпарвар кучлар «Тинчликни асраш маданияти йўлида» деган жамловчи шиор остида ҳаракат этиши лозимлиги тавсия этилди. Дунё табиий ва инсон қўли билан яратилган тўфонлар ичра турган замонда МАДАНИЯТга эътибор қаратилиши, тинчлик маданияти ҳақида гапирилиши ҳам ғоят улкан рамзий ҳамда амалий маънога эгадир.

Матбуот саҳифаларини варақлаган киши, кўпинча, дунё давлатлари, айниқса, МДҲга аъзо мамлакатлар ўз иқтисодий аҳволини ўнглаш ташвиши билан яшаётгани ҳақидаги хабарларни ўқийди. Албатта, Ўзбекистон ҳам бундай ташвишлардан холи эмас. Ечимини кутаётган муаммоларимиз кўп. Лекин кундалик ташвишларга ўралашиб, асрлар давомида шаклланган маънавий меросимизни, келажак орзусини унутиб қўяётганимиз йўқ. ЮНЕСКО анжумани Ўзбекистон фақат ўтмишдаги мерос ва қадриятларни тиклаш йўлидагина эмас, келажак дастурларини ишлаб чиқиш бобида ҳам кўпчиликка ўрнак бўларли ишларни амалга ошираётганини намойиш қилди.

Шу дамгача ЮНЕСКО билан ҳамкорликда буюк бобомиз ҳазрат соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллиги, буюк аллома Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллиги, Имом ал-Бухорий ва Аҳмад ал-Фарғонийнинг таваллуд тўйлари, Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллиги, «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали, X11 халқаро Тошкент кинофестивали каби тадбирлар ўтказилди. ЮНЕСКОнинг «Дунё хотираси» китобига ислом дунёсининг энг муқаддас китоби бўлган Усмон Қуръони муқаддас манбаларнинг энг қадимийси сифатида ёзиб қўйилди, йигирмадан зиёдроқ кинофильмимиз дунё мероси сифатида рўйхатга олинди. Келгуси йили эса жамики туркий халқлар ўзининг муштарак мероси сифатида эъзозлайдиган «Алпомиш» достонининг минг йиллиги кенг тантана қилинади. Қадимий Термизнинг 2500 йиллик тўйига тайёргарлик бошланди...

Жаҳон ҳамжамиятидаги тараққийпарвар кучларнинг юртимизда амалга оширилаётган ишларни муносиб баҳолаётганини «миллион-миллион кишилар онгида интеллектуал тафаккур ва инсоният ўз тарихи мобайнида яратган маънавий мерос, юксак инсонпарварлик ғоялари, тинчлик ва адолат рамзи бўлиб шаклланган ЮНЕСКО»нинг Абу Али ибн Сино номидаги олтин медали Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга топширилганидан ҳам билиш мумкин. Мазкур олтин медални қабул қилиб олар экан юртбошимиз шундай деди:

«Бу олий мукофот энг аввало кўп миллатли халқимизнинг умумбашарий цивилизация тараққиётига қўшган ҳиссаси ва хизматининг тан олиниши, тарихий, маданий, маънавий меросни асраб-авайлаш, мамлакатимизда жамиятни маънавий ва ахлоқий жиҳатдан юксалтириш, соғлом ва комил авлодни тарбиялаб вояга етказиш, қисқача қилиб айтганда, халқимизни маърифат йўлига бошлаш борасидаги саъй ҳаракатларимиз, гуманизм ғояларига ҳурматимиз, эътиқодимизнинг муносиб баҳосидир».

ЮНЕСКОнинг Тошкентда бўлиб ўтган анжумани Ўзбекистоннинг Президент Ислом Каримов бошчилигида бораётган йўли ҳақ йўл эканини, олий инсоний қадриятларни устивор этиш ғояси эса жаҳон ҳамжамиятининг ҳаракат дастури билан мувофиқ эканини бутун дунёга кўрсатди. Юртбошимизга топширилган олтин медал ана шу эътирофнинг амалий ифодаси бўлди.

**Мусулмон НАМОЗ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

*Хушхабар!*

# Ўзбекистонлик шахматчининг ғалабаси

***Испанияда 16 ёшгача бўлган ўсмирлар орасида ўтказилган жаҳон чемпионатида иштирок этган ўзбекистонлик шахматчи Иброҳим Ҳамроқулов жаҳон чемпиони бўлди.***

- Испаниядаги ҳозирги жаҳон чемпионатида 90 мамлакатдан 1000 нафарга яқин энг кучли шахматчи иштирок этди, - дейди делегация раҳбари Роман Ким. - Унда республикамиздан 8 нафар йигит-қиз қатнашди.

Бундай рақобатга дош бериш учун шахматчи юксак маҳоратдан ташқари, халқаро мусобақаларда иштирок этишда катта тажрибага ҳам эга бўлиши керак. Самарқанддаги бутун Ўзбекистонга машҳур бўлган Ҳамроқуловларнинг шахматчилар оиласида вояга етган Иброҳим Ҳамроқуловнинг турнирда ғолиб чиқиши учун ҳамма имконият мавжуд эди. У Республика чемпиони унвонини бир неча марта қўлга киритган, Ўзбекистон олий лигасида шахматчилар билан беллашишда тажриба орттирган, бу йил Эронда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида 1-2-ўринларни бўлишиб олган.

Иброҳим энг кўп сонли кичик гуруҳда беллашиб, ўз имкониятларидан тўла фойдаланди. 95 мамлакатдан 110 нафар кучли шахматчи иштирок этган бу кичик гуруҳда у 8 та ўйинни ғалаба билан якунлаб, икки ўйинни ютқазди ва бир ўйинда дуранг натижага эришди.



Ғалаба бежиз олтин медал билан баҳоланмайди. Спортчи бу ғалабага эришиш учун қийин йўлни босиб ўтади. Россиялик Сергей Григорянц каби жаҳон чемпионларига қарши дона сурган Иброҳимнинг бу катта ғалабаси ҳам осонликча қўлга киритилгани йўқ. Бир неча бор жаҳон чемпионлари Нана Александрия ва Нона Гаприндашвили Иброҳимнинг ўйинларини кўриб, қойил қолишди.

Бу чемпионатда тошкентлик Лена Лёвушкина ҳам муваффақиятли иштирок этиб, 11 имкониятдан 7,5 хол тўплади. Лена жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритиши учун бир хол етишмади. Турнирда биринчи бор иштирок этган Олга Сон эса 6 хол тўплади. Мутахассисларнинг фикрича, бу ҳол шахматчи қизларимизнинг келажакда янги-янги ғалабаларни қўлга киритишидан далолат беради.

/ЎзА/

# ОЛИМЛАРИМИЗ КИТОБИ ЛОНДОНДА

**Андижон тиббиёт институти олимларининг «Минтақавий лимфатик терапия» номли асари Буюк Британияда биринчи бор инглиз тилида нашр этилди. Мутахассисларнинг фикрича, ўзбекистонлик олимларнинг профессор Саткул Жумабоев таҳрири остидаги монографияси амалий врачларнинг доимий қўлланмаси бўлиб қолади.**

**Шимолий Манчестер шифохонасининг бош маслаҳатчиси, Манчестер университетининг лектори, улуғ авлодимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур авлодидан бўлган доктор Али Новоз Хоннинг хабар беришича, ушбу китоб Лондондаги халқаро кутубхона каталогига киритилди.**

**Андижон давлат тиббиёт институти илмий кенгашининг қарорига биноан Ўзбекистон ва Буюк Британия олимлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда илм-фанни ривожлантиришдаги хизматлари учун янги китоб тақдимоти пайтида Али Новоз Хонга Андижон тиббиёт институтининг фахрий профессори гувоҳномаси топширилди.**

**К.НИЗОМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

*Во ажаб!*

# ҲАҚЛИ ЭЪТИРОЗ

**Бунинг учун пойтахтнинг Қорасарой мавзесида тўрт қаватли ётоқхона бўшатиб берилган.**

Мабодо йўлингиз тушиб Собир Раҳимов туманидаги Зафар Диёр номли 159-мактабга бориб қолсангиз беихтиёр тўғридаги тўрт қаватли бино диққатингизни тортади: унда бирорта ҳам бутун деразани кўрмайсиз. Ҳаммасини атайлаб кимдир синдириб чиққандек. Биз ҳам азбаройи қизиқиш туфайли биқинига «Библиотечная» деб ёзилган иморатга яқинлашамиз. Ташландиқ хоналарнинг ҳайбатидан одам қўрқади. Анчагина катта экан: ёнида 14 та дераза, тўғрида эса 6 та дераза. Энди сиз бу бинода нечта хона борлигини ҳисоблаб чиқаверинг.

Ростдан ҳам унда ҳеч ким яшамас экан, эшиклар ҳам қўпориб ташланган. Атрофида соқоллари ўсган эски-туски кийимлар кийган одамлар санқиб юрибди.

-Бу ерга ишга келганимга икки йил бўлди,- дейди мактаб директори Раиса Ким,- шу давр ичида бу ерда одамлар муқим яшаганини билмайман.

Маълум бўлишича, бу жой Тошкент Экспрементал тажриба-ремонт заводининг ётоқхонаси экан. Қарийб уч йилдан буён ишчилар яшамайди, бироқ электр ва сув ўчирилмаган,- дейди яқиндаги одамлар. Бундай қулай шароитдан хабар топган дайдилар ётоқхонани макон тутиб ўзларига «Базмхона» қилиб олишибди. Кечаси билан уларнинг шовқини тинчимас экан. Бунинг устига катта кўчадан ётоқхонагача бўлган ярим чақиримча масофада чироқ қўйилмаган. Атрофда кўп қаватли уйлар: энди унда яшаётган одамлар қоронғуда юрагини ҳовучлаб хонадонларига қайтаётганларини тасаввур қилинг.

Ҳақли эътироз туғилади: шундай басавлат бино нега қаровсиз ташлаб қўйилибди ва ундан бошпана топганлар кимлар? Бу саволларга мутасаддилар жўяли жавоб қайтаради, деган умиддамиз.

**Ҳ. ЭЛКЕЗАР.**

